

## Парижда Абу Райҳон Беруний ҳаётига бағишланган кўргазма иш бошлади



15:53 / 05.09.2023 601

2023 йил 4-8 сентябрь кунлари ЮНЕСКОнинг Париждаги бош қароргоҳида «Абу Райҳон Беруний. Географик ва интеллектуал саёҳат» номли кўргазма бўлиб ўтади. Атоқли олим, мутафаккир таваллудининг 1050 йиллигига бағишланган лойиҳа ташкилотчиси – Ўзбекистон маданияти ва санъатини ривожлантириш жамғармаси.

Франциянинг машҳур «La Gazette», «Le Club de Mediapart» ва «Musulmans en France» нашрларида эълон қилинган мазкур халқаро кўргазмага оид туркум мақолаларда ЮНЕСКО замонавий Ўзбекистон ҳудудида 973-1052 йилларда яшаб ўтган буюк астроном, олим, математик, тарихчи, географ ҳаёти ва ижодини тақдим этаётгани айтилган.

– Сценографиянинг визуал қисми, мультимедиа инсталляцияси ҳамда қўлёзмалар нусхаси орқали меҳмонлар Берунийнинг ҳаёти ва ижоди билан яқиндан танишади, алломанинг ўрта асрлар илм-фани тараққиётини белгилаб берган, ҳозирги кунгача ҳам аҳамиятини йўқотмаган саёҳат, кашфиёт ва изланишлари ҳақида батафсил маълумот олишади, – деб

ёзади муаллиф.

Кўргазманинг тантанали очилиш маросимида ўзбек санъати усталари томонидан намойиш этилган маданий дастурда Алибек Кабдурахмонов бошчилигидаги Ўзбекистон Миллий симфоник оркестри томонидан Дмитрий Янов-Яновскийнинг «Zij – Music of Constellations» асари премьераси тақдим этилади. Ушбу мусиқий асар муаллиф томонидан Шарқнинг тўрт буюк шахси – Ал-Хоразмий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний ва Мирзо Улуғбекка атаб яратилган.

«La Gazette» нашри француз муштарийларини Берунийнинг таржимаи ҳоли билан таништириб, олим астрономия, физика, математика, геодезия, геология, минералогия, тарих, этнографияга оид кўплаб асарлар ёзиб, ушбу фанлар ривожига салмоқли ҳисса қўшганини ёзган.

Мақолаларда мазкур лойиҳа Европа жамоатчилигига атоқли олим ҳақида кўпроқ маълумот олиш, унинг бутун инсоният интеллектуал мулкига қўшган беқиёс ҳиссасини англаш, Ўзбекистоннинг тарихий-маданий алоқалари, замонавий илмий тушунчаларни шакллантириш ва ривожлантиришдаги ўрнига янгича қараш имконини бериши таъкидланган.

– Умумий майдони 400 квадрат/метрдан зиёд кўргазмада Беруний қўлёзмалари саҳифаларини юқори сифатда кўриш имконини берадиган интерактив мультимедиа проекцияси билан бирга олим ҳаётига оид қисқа видеоролик ҳам намойиш этилади, – деб ёзган Франция ОАВ.

– Экспозицияда Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти мутахассислари томонидан Абу Райҳон Беруний қўлёзмаларининг Франция Миллий кутубхонаси коллекциясидан тайёрланган нусхалари алоҳида ўрин тутди.

